У ривожланиб борган сари унинг эрта босқичларидан оғир буйрак етишмовчилигига қадар (ҳисобланган коптокчалар филтрацияси тезлиги $1,73\text{м}^2$ тана сатҳига <15 млдан кам) ўз вақтида буйрак ўрин босувчи терапияси (гемодиализ) қўлланилмаса беморларни даволашга кетадиган харажатлар ҳамда ўлим ҳолатлари кескин ошади ва аксинча ҳаёт давомийлиги сезиларли қисқаради [12,11].

2017-йил маълумотларига кўра дунёда 3,9 миллион СБК чалинган беморларда гемодиализ ўтказилган, тахминан уларнинг яна шунчаси унга муҳтож бўлсалар ҳам буйрак ўрин босувчи муолажаларини олмаганлар [18,1].

Қайта шифохонага ётишлар сони ҳам диализ олаётган беморларда умумий популяцияга нисбатан юқори. Бу кўрсаткич 2018-йилда 34,6% га тенг бўлиб, умумий популяциядан 17,5% юқори [6]. Диализ олаётган беморларни шифохонага ётишлари ва қайта ётишларидан келиб чиқиб, ушбу тиббий хизмат кўрсатаётган марказларнинг фаолиятини баҳолаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Улар ўз ҳаётлари давомида қатор оғир ҳолатлар билан тўқнаш келадилар. Жумладан, юрак қон-томир касалликлари, инфекция, томирга тушиш билан боғлиқ бўлган муаммолар, когнитив бузилишлар, шифохонага ётиш, ўлим ва бошқа ҳолатлар.

Беморларда ўлим ҳолатлари ёшга ва жинсга нисбатан умумий популяцияга қараганда анча юқорилиги билан ажралиб туради. Ҳатто бу кўрсаткичлар баъзи рақ касалликлари турларига нисбатан ҳам баланд [16].

Ўтказилган таҳлил гемодиализ олаётган беморлар ҳолатига кўп сонли салбий таъсирлар мавжудлигини тасдиқлайди. Лекин улар турли гуруҳ беморларда бир-биридан бирмунча фарқ қилади. Шу сабабли ушбу таъсирларни нафақат алоҳида олинган мамлакат, балки ҳудудлар бўйича ҳам ўрганиш ҳамда аниқланган сабабларни бартараф этиш муҳим тиббий-амалий аҳамиятга эга ва ушбу муаммоларни ҳал қилишга бағишланган тадқиқотлар ўта долзарб ҳисобланади.

Тадқиқот мақсади: Самарқанд вилояти нефрология хизмати ҳолатини сўнги 5 йиллик динамикасини баҳолаш ва гемодиализдаги беморлар, яшовчанлик ва ўлим кўрсаткичларини солиштирма ўрганиш.

Тадқиқот материали ва услублари: Тадқиқотда Самарқанд вилоятида сурункали буйрак касаллиги терминал босқичи мавжуд гемодиализ олаётган беморлар жалб этилди. Уларнинг сони 2021 йилда 596 нафарни ташкил этиб, уларнинг ўртача ёши $49,5 \pm 6,64$ йилга тенг бўлиб 301 нафари эркак ва 295 нафар аёллардан иборат бўлди. 2024 йилда уларнинг сони 754 нафарга етди. Ўртача ёши $52,4 \pm 5,7$ йилга тенг бўлди. Барча беморлар тўлиқ кузатувга олиниб, уларнинг гемодиализ олиш тартиби, аппаратлар сонидан келиб чиқиб муолажалар муддати ҳамда давомийлиги ўрганилди.

Самарқанд вилоятида беморларни даволашда 3 хил гемодиализ аппаратлари (B-Braun Diolog, Fresenius 4008S, DIANOVA X1) дан фойдаланилиб келинмоқда. Шу ўринда аксарият гемодиализ аппаратлари сўнги беш йилда харид қилинган ва замонавий талабларга тўлиқ жавоб беришини алоҳида таъкидламоқчимиз.

Тадқиқот натижаларининг таҳлили. Сурункали буйрак касаллиги ривожланиш этиологиясидан қатъий назар бутун дунёдаги вазият каби Республикамизда ҳам аҳоли саломатлигига кескин салбий таъсир кўрсатадиган ва катта молиявий харажатларга сабаб бўладиган патологик жараён ҳисобланади. Сўнги йилларда малакатимизда тиббиёт соҳасида ўтказилаётган ислохотларга қарамасдан ушбу оғир асоратдан ўлим кўрсаткичлари ҳамон юқориликча қолмоқда. Бунга асосий сабабларидан бири касалликни эрта босқичларда аниқланмаслиги ва монанд муолажалар олиб борилмаслигидир. Оқибатда беморларда СБК нинг оғир босқичлари ривожланади ва унинг умумқабул қилинган даволаш усули гемодиализ (буйрак ўрин босувчи терапияси) ва буйрак кўчириб ўтказиш ҳисобланади. Республикамизда ушбу икки даволаш усулини жаҳон андозалари даражасига етказиш мамлакатимиз раҳбарининг доимий диққат эътиборида турибди. Ушбу мақсадда 12.07.2018 йилдаги ПҚ-3846-сонли “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига нефрология ва гемодиализ ёрдами кўрсатиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” Президент қарори қабул қилинди. Унга кўра сурункали буйрак касаллигига чалинган беморларга ташхис қўйиш ва уларни даволашнинг ишлаб чиқилган стандартлари асосида нефрология ҳамда гемодиализ ёрдами кўрсатувчи тиббиёт муассасалари томонидан вазифалар бажарилиши жараёнини ўрганиш ва такомиллаштириш ҳамда нефрология ва гемодиализ ёрдами кўрсатувчи тиббиёт муассасалари фаолиятидаги муаммоларни бартараф этиш бўйича тегишли чоралар тадбирлар ишлаб чиқилган.

Юқоридаги қарорнинг натижаси ўлароқ бугунги кунда республикамизнинг аксарият шаҳар ва туманларидаги марказий шифохоналар гемодиализ аппаратлари билан таъминланиб, муолажалар тегишли ҳудудларнинг ўзида амалга ошириш имконияти яратилди. Ўтган ўн йилликлардагидан фарқли ўлароқ буйрак кўчириб ўтказиш (трансплантация) амалиёти нафақат хорижда ва Тошкент шаҳрида, деярли барча вилоят марказларида муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Лекин эришилган ижобий натижаларга қарамасдан нефрология, хусусан буйрак ўрин босувчи терапияни ўтказиш жараёнларини илмий нуқтаи назардан вилоятлар бўйича таҳлил қилишга бағишланган илмий кузатувлар етарли эмас. Юқоридагиларни инобатга олиб биз Самарқанд вилоятида сўнги 5 йилдаги гемодиализ хизмати, унинг ҳудудларидаги гемодиализ аппаратлари сони, ушбу муолажага мухтож беморлар ва улар орасида яшовчанлик ҳамда ўлим кўрсаткичларини ўргандик.

Гемодиализ хизмати 2021 йилгача асосан Самарқанд вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази, Республика шошилич тез тиббий ёрдам илмий маркази Самарқанд филиали, Каттақўрғон ва Ургут туманларида ташкил этилган бўлса, 2025 йилга келиб Булунғур, Иштихон, Пахтачи ва Пайариқ туманларида ҳам ушбу муолажани ўтказиш имкони яратилди. Қуйидаги 1-жадвалда Самарқанд вилояти ва унинг туманлари бўйича 2021-2025 йилларда яратилган гемодиализ ўринлар сони келтирилган.

1-жадвал.

Самарқанд вилоятида 2021-2025 йилларда катталар учун гемодиализ ўринлар сони.

Йиллар	2021	2022	2023	2024	2025/6ой
Самарқанд вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази	9	10	10	10	10
Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Самарқанд филиали	5	6	5	6	6
Ургут тумани	8	8	8	8	8
Каттақўрғон тумани	9	8	8	8	9
Булунғур тумани	0	3	3	3	5
Иштихон тумани	0	3	3	3	5
Пахтачи тумани	0	3	3	3	5
Пайариқ тумани	0	0	0	0	9
Жами:	31	41	40	41	57

Жадвалда келтирилганидек, Самарқанд вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида гемодиализ ўринлари 2021 йилда 9 тани ташкил қилган, 2025 йилда ўринлар 10 тага етди. Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Самарқанд филиалида 2021 йилда 5 та гемодиализ аппарати мажуд бўлса, жорий йилда уларнинг сони 6 тани ташкил этган. Ургут туманида сўнги беш йил давомида ўринлар сони ўзгармаган, яъни 8 талигича қолган. Каттақўрғон туманида ҳам ўрганилган йиллар кесимида гемодиализ ўринлари сони олдинги йиллардагидек сақланган. Булунғур, Иштихон ва Пахтачи туманларида 2022 йилда уч ўринли гемодиализ хизмати йўлга қўйилган бўлиб уларнинг сони 2025 йилга келиб бештагача оширишга эришилган. Ушбу йилда Пайариқ туманида беморларга ёрдам кўрсатувчи 9 ўринли гемодиализ хизмати йўлга қўйилган.

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, Самарқанд вилоятида яратилаётган имкониятлардан кенг фойдаланган ҳолда босқичма босқич барча ҳудудларда гемодиализ хизмати йўлга қўйилмоқда.

Қуйидаги 1-расмда вилоят бўйича жами гемодиализ ўринлари ва уларнинг йиллар кесимида динамикада ўзгариши келтирилган.

1-расм. Самарқанд вилояти бўйича 2021-2025 йилларда ёши катталар учун жами гемодиализ ўринлар сони.



Расмда келтирилганидек вилоятда 2021 йилда жами гемодиализ ўринлари сони 31 та бўлса 2025 йилда уларнинг сони 57 тани ташкил қилмоқда. Гемодиализ хизматининг яхшиланиши ўз навбатида ушбу муолажага муҳтож бўлган янада кўпроқ беморларни қамраб олишга имконият туғдирмоқда.


Гемодиализ олувчи беморлар сони ўрганилганда қуйидаги натижалар олинди ва у 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал.

Самарқанд вилоятида 2021-2025 йилларда ёши катта гемодиализ олганлар беморлар сони.

Йиллар	2021	2022	2023	2024	2025/6ой
Самарқанд вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази	228	217	251	215	168
Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази Самарқанд филиали	111	80	91	154	79
Ургут тумани	95	136	132	140	95
Каттакўрғон тумани	162	158	109	125	94
Булунғур тумани	0	15	18	47	29
Иштихон тумани	0	22	20	42	25
Пахтачи тумани	0	14	34	31	43
Пайариқ тумани	0	0	0	0	34
Жами:	596	642	726	754	567

Жадвалда келтириланидек, Самарқанд вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида гемодиализ олувчи беморлар сони 2021 йилда 228 нафарни ташкил қилган бўлса, 2025 йилнинг биринчи ярмида улар сони 168 тага тенг бўлган. Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази Самарқанд филиалида 2021 йилда 111 нафар беморга гемодиализ хизмати кўрсатилган. Жорий йилнинг шу давргача 79 та беморга хизмат кўрсатилмоқда. Ургут туманида 2021 йилда 95, 2022 йилда 136, 2023 йилда 132, 2024 йилда 140 ва 2025 йил олти ойида 95 нафар беморга буйрак ўрин босувчи терапияси амалга оширилган. Каттакўрғон туманида 2021 йилда гемодиализ олувчилар сони 162 нафарга тенг бўлган бўлса, сўнги тўрт йилда уларнинг сони сезиларли камайганлиги ва 2025 йилда 94 тани ташкил этганлиги аниқланди. Булунғур туманида ҳам 2022 йилда гемодиализ хизмати йўлга қўйилган бўлиб беморлар сони 15 нафар бўлган. Ўтган йиллар давомида уларнинг сони ошиб келган ва 2025 йил олти ойида 29 та бемор гемодиализ олган. Иштихон ва Пахтачи туманларида ҳам буйрак ўрин босувчи терапияси оладиган беморлар сони сўнги йилларда ошишини кўришимиз мумкин. Пайариқ туманида 2025 йилда гемодиализ олувчилар сони 34 тага тенг бўлди.



2-расм. Самарқанд вилоятида 2021-2025 йилларда жами гемодиализ олувчи беморлар сони.

Олинган натижалар туман марказларида гемодиализ хизматининг йўлга қўйилиши вилоят марказида гемодиализ олувчилар сонини сезиларли камайишига олиб келганлигини тасдиқламоқда. Вилоятда гемодиализ хизмати кўрсатилаётган туманлар сонининг ўсиб

боришини ижобий деб баҳолаш мумкин. Бу аввало беморларда ўтказиладиган буйрак ўрин босувчи терапия давомийлигини жаҳон андозалари талабларига яқинлаштириш имкониятини яратади. Ундан ташқари муолажаларни беморлар яшайдиган ҳудудларга яқинлашиши, улар ва қариндошлари учун қулайликлар яратади. Лекин шу билан бир қаторда вилоятдаги мавжуд гемодиализ аппаратлари ўринбосувчи терапияга мухтож беморлар сонига нисбатан камлигини таъкидлаш лозим. Қуйидаги 2-расмда вилоятдаги барча гемодиализ олаётган беморлар сони йиллар кесимида келтирилган.

Расмда келтирилганидек вилоятда 2021 йилда жами гемодиализ олувчилар сони 596 нафарни ташкил қилган бўлса, 2025 йилда уларнинг сони 754 тага етган.


СБК ривожланишида буйрак паренхиматоз касалликлари, хусусан, сурункали гломерулонефрит биринчи ўринда турган бўлса, сўнги йилларда тобора қандли диабет, артериал гипертензия ва сурункали юрак етишмовчиликларининг улуши ўсиб бормоқда. Қайд этилган патологик жараёнлар орасида бутун дунёдаги каби республикамизда ҳам 2 тип қандли диабет СБК ва унинг терминал босқичидаги беморлар сонининг ўсиши, гемодиализ олувчилар орасида салмоқли ўрин тутмоқда. Юқоридагиларни инобатга олиб Самарқанд вилоятида буйрак ўрин босувчи терапияси ўтказиладиган беморлар орасида қандли диабет мажудларини алоҳида солиштира ўргандик. Қуйидаги 3-жадвалда олинган натижалар келтирилган.

3-жадвал.

Самарқанд вилояти бўйича қандли диабет сабабли 2021-2025 йилларда гемодиализ олувчи беморлар сони.

Йиллар	2021	2022	2023	2024	2025/6ой
Самарқанд вилоят қўп тармоқли тиббиёт маркази	29	32	37	107	72
Республика шойлинич тиббий ёрдам илмий маркази Самарқанд филиали	37	25	47	113	59
Ургут тумани	11	39	34	29	15
Қаттақўрғон тумани	6	8	21	13	18
Бўлунғур тумани		2	0	12	13
Иштихон тумани		2	2	13	8
Пахтачи тумани		2	3	9	11
Пайарик тумани					7
Жами:	83	110	144	296	203

Жадвалда келтирилганидек, Самарқанд вилоятида 2021 йилда жами гемодиализ олувчи беморлар сони 596 нафарни ташкил этиб, улар орасида қандли диабет мавжуд беморлар 84 та бўлган. Ушбу гуруҳ барча беморларнинг 13.93 % ни ташкил этган. 2024 йилда эса 754 та бемордан 39.25% яъни 296 нафарида қандли диабет мавжуд бўлган. Ушбу касаллик сабабли гемодиализ олувчилар сони 2021 йилдан 2024 йилгача 25.32 % га ошган. 2025 йилнинг биринчи ярмида бу кўрсаткич 35.8% га тенг бўлди ва олинган натижалар расм холига келтирилганда ўзгаришларни яққол ифодаланганлигини кўриш мумкин (3-расм).



3-расм. Самарқанд вилоятида 2 тип қандли диабет сабабли 2021-2025 йилларда гемодиализ олувчи беморлар динамикаси.

Нефрология ва гемодиализ хизматини яхшилаш борасида олиб борилаётган ижобий ўзгаришларга қарамасдан беморлар орасида ўлим кўрсаткичлари ҳамон юқорилигича қолмоқда. Бунга СБК мавжуд беморларда артериал гипертония, қандли диабет ва бошқа анъанавий хавф омиллари билан бир қаторда, электролитлар мувозанатининг бузилиши, юрак гипертрофияси каби анъанавий бўлмаган хавф омилларини бирга келиши юрак қон-томир касалликларининг кенг тарқалганлиги, гемодиализ аппаратларининг камлиги, беморларнинг ўрин босувчи муолажаларга ўз вақтида ва мунтазам келмаслиги каби қатор омиллар сабаб бўлиши мумкин. Юқоридагиларни эътиборга олиб гемодиализ олаётган беморлар орасида кузатилган ўлим кўрсаткичларини ҳам ўргандик ва у 4-жадвалда келтирилган.


4-жадвал.

Самарқанд вилояти ва унинг туманлари бўйича (2021-2025 й) ҳар йили гемодиализ олаётган беморлар орасидаги ўлимлар сони.

Йиллар	2021	2022	2023	2024	2025/6ой
Самарқанд вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази	73	70	85	84	33
Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Самарқанд филиали	38	45	34	95	19
Ургут тумани	19	41	52	54	10
Каттақўрғон тумани	56	59	45	56	17
Булунғур тумани	0	4	7	19	7
Иштихон тумани	0	5	6	9	6
Пахтачи тумани	0	5	12	9	7
Пайариқ тумани	0	0	0	0	7
Жами:	186	229	241	326	106
Фоизда	31,20%	35,70%	33,20%	43,2%	18,7%

Жадвалда келтирилганидек, Самарқанд вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида ўлим кўрсаткичи 2023 йилда 2021 йилга нисбатан 12 тага ошганлиги, лекин сўнги икки йилда камайганлиги кузатилган. Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Самарқанд филиалида 2021 йилда 38 та ўлим ҳолати кузатилган бўлса, 2024 йилда 95 тани ташкил этган ва 2025 йилининг ушбу давригача 19 та бўлган. Ургут туманида 2021 йилда 19 нафар бемор вафот этган бўлса, ўтган давр мобайнида уларнинг сони ошиб келганлиги ва 2024 йилда 54 тага етганлиги аниқланди. Лекин жорий йилда уларнинг сони кескин камайган ва 10 нафарни ташкил этмоқда. Каттақўрғон туманида беморлар орасида ўлим кўрсаткичи 2021 йилдан 2024 йилгача муқом ҳолатда турган ва 2025 йилда 17 нафаргача камайган. Булунғур, Иштихон, Пахтачи ва Пайариқ туманларида ўлим қолган марказларга нисбатан сезиларли кам кузатилган. Бу ҳолат ушбу ҳудудларда гемодиализ олувчи беморлар сони камлиги билан боғлиқ. Самарқанд вилоятида умумий ўлим кўрсаткичи 2021 йилда 31.2% га тенг бўлган ва 2024 йилда эса 43.2 % ни ташкил этган. Ушбу олинган натижалар ривожланган давлатларда ўтказилган тадқиқот натижалари билан мос келади. Хусусан, юқори даромадли мамлакатларда гемодиализ олаётган беморлар ўлими камаётган бўлса ҳам [19] даромади ўртачадан паст бўлганларда аниқ қайд қилишлар йўқ ёки камайтириб кўрсатилган [13]. Гемодиализ олаётган беморлар орасида умумий йиллик ўлим Японияда 6,6%, Европада 15,6% [4], АҚШ 21,7% га тенг бўлса, Австралияда 90%, Янги Зеландияда 89% [19], Эронда 65% [10], Мароккода 95% [15], Жанубий Африкада 90,4% [8] ва Перуда 38% [5] га бўлган.

Олинган натижалар Самарқанд вилоятида 2021 йилдан 2024 йилгача гемодиализ олувчи беморлар сони кўпайганлигини кўрсатди. Лекин уларга хизмат қилувчи янги гемодиализ ўринлари яратилишига қарамасдан ўлимлар сони ўсганлиги қайд этилди. Қуйидаги 4-расмда ушбу натижалар келтирилган.



4-расм. Самарқанд вилоятида гемодиализ олувчи беморлар сони ва улардаги йиллар кесимидаги ўлим кўрсаткичлари (мутлақ сонларда).

Ўтказилган таҳлил Самарқанд вилоятида гемодиализ аппаратлари сони 2025 йилда 2021 йилга нисбатан 1.83 маротаба, беморлар сони эса 1.26 маротаба кўпайганлигини кўрсатди. Ўлим кўрсаткичи эса 1.75 маротаба ошганлиги қайд этилди. Самарқанд вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази ва Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази Самарқанд филиалида 2021 йилда мос равишда ўртача ҳар 25.3 ҳамда 22.2 нафар беморга бир аппарат тўғри келган. 2024 йилда эса бу кўрсаткич мос равишда 21.5 ва 25.6 га тенг бўлган.



Самарқанд вилояти бўйича эса 2021 йилда ўртача 19.22 нафар беморга бир аппарат тўғри келган ва 186 нафар бемор вафот этган. 2024 йилда 18.39 нафар беморга бир аппарат тўғри келган ва 326 нафар бемор вафот этган. Шу ўринда Европа буйрак, диализ ва трансплантацияси уюшмаси (European Renal Association-European Dialysis and Transplant Association) тавсиясига кўра бир бемор ҳафтада камида 3 маротаба 4 соатдан кам бўлмаган давомийликда диализ олишлари лозим. Самарқанд вилоятида ҳозирги кунда 754 нафар бемор гемодиализ олган. Улар Европа стандартлари бўйича гемодиализ муолажаларини олишлари учун ҳозирги кунда мавжуд гемодиализ аппаратларини вилоят гемодиализ бўлимлари кесимида қайта тақсимлаш лозим. Демак вилоятда беморларни гемодиализ аппаратлари билан таъминланиш даражаси 40% ни ташкил этмоқда. Шунинг учун вилоятда беморларда ўтказилган сеанслар давомийлиги 2 соат атрофида ҳамда мавжуд аппаратлар катта юклама билан (бир кеча кундузда 20 соатгача) ишатишмоқда. Юқоридаги 4- жадвалда келтирилганидек

гемодиализ аппаратлари ва унга мухтож беморлар сонининг номутаносиблиги ўлимлар сони ошишининг асосий сабаби ҳисобланади.

Юқорида келтирганимиздек ҳақиқатдан ҳам вилоят бўйича умумий гемодиализ аппаратлари сонининг гемодиализ олувчилар ва ўлим кўрсаткичлари солиштирилганда улар билан таминланиш суръатининг ишончли орқада қолаётганлиги яққол намоён бўлмоқда. Маълумки, тиббиётда Каплан–Мейер таҳлилидан кенг фойдаланилади. Унинг асосий вазифаси белгиланган вақт оралиғида беморлар (ёки объектлар)нинг тирик қолиш эҳтимолини аниқлашдан иборат [20]. Ундан фойдаланиш тадқиқот бошлангандан кейин муайян вақт давомида, қанча фоиз беморлар тирик (ёки асоратсиз) деган саволга жавоб беради. Таҳлилдан қуйидаги мақсадларда фойдаланилади: маълум вақт оралиғида тирик қолган беморлар кўрсаткичини аниқлаш; турли хил даволаш усуллари (жарроҳлик ва дорилар ёрдамида) ёш гуруҳлари, беморлар жинси ва касаллик босқичларини инобатга олган ҳолда таққослаш ҳамда препарат ёки кузатув саамарадорлигини баҳолаш; касаллик кечишини башоратлаш. Биз ҳам ўз тадқиқотимизда гемодиализдаги беморларнинг яшовчанлигини ўрганишда Каплан Мейер таҳлилий усулидан фойдаландик ва олинган натижалар 4-расмда келтирилган.

5-расм. Самарқанд вилоятида гемодиализ олувчи беморларнинг 2021 ва 2025 йиллар оралиғида яшовчанлик кўрсаткичлари.

Олинган натижалар 2021-2025 йиллар оралиғида гемодиализ олаётган беморларнинг яшовчанлик кўрсаткичи (кузатув бошланганда кўрсаткич 1 деб ҳисобланган) 1.0 дан 0.404 гача камайган. Йиллар кесимида ўрганилганда 2021 йилда кузатувга олинган беморларнинг 64.7 % и тирик қолган. 2022 йилга келиб ўлим кўрсаткичи 13.1 % га сезиларли камайиб 51.6% ни ташкил этди. 2023 йилда бу кўрсаткичлар мос равишда 8.2% ва 43.4% га тенг бўлди. 2024-2025 йилларда юқорида қайд этилган яшовчанлик кўрсаткичлари мос равишда 41.3% ва 40.5% ни ташкил қилиб, ўлим даражаси 2025 йилда 0.8% гача камайди.

Хулоса. Олинган натижалар гемодиализ олувчи беморларда ўлим кўрсаткичининг юқорилигини тасдиқлайди. Мавжуд қатор сабаблар билан бир қаторда вилоятда гемодиализ аппаратлари сонининг камлиги ва уларнинг ортиқча юклама билан ишлаши ҳамда муолажалар давомийлигининг қисқалиги, унинг асосий сабаби ҳисобланади. Шунингдек, аппаратларининг туманлар кесимида номутаносиб тақсимланганлиги ҳам аҳамиятга эга.

Каплан Мейер усулидан фойдаланиб ўтказилган таҳлил ўрганилган йиллар давомида ўлим кўрсаткичлари камайиб боришини тасдиқлади. Кузатувнинг илк даврида яшовчанлик даражасининг пастлигини гемодиализ муолажаларининг кеч бошланганлиги ва беморларнинг умумий ахволининг оғирлиги билан боғлиқ деб тахмин қилиш мумкин. Кейинги йилларда унинг узайишини беморларда мослашув жараёни барқарорлашганлиги, ўтказилаётган даво чораларининг монанд даражада олиб борилаётганлиги билан асослаш мумкин. Илмий-амалий нуқтаи назардан гемодиализ ўтказилаётган беморлар яшовчанлигига таъсир этувчи омилларни ўрганиш ҳамда уларни бартараф этиш муҳим ҳисобланади. Чунки бундай ёндошиш ушбу гуруҳ беморларнинг нафақат умр кўриш давомийлигини балки ҳаёт сифати яхшиланишига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Кейинги мақолаларимизда ушбу мавзуга бағишланган тадқиқот натижаларини эълон қиламиз.

REFERENCES|CHOCKI|QTIBOSLAR

1. Bello, A. K. et al. Status of care for end stage kidney disease in countries and regions worldwide: international cross sectional survey. *BMJ* 367, l5873 (2019).
2. Benghanem G.M., Elseviers M., Zamd M., et al. Chronic kidney disease, hypertension, diabetes, and obesity in the adult population of Morocco: how to avoid 'over'- and 'under'-diagnosis of CKD // *Kidney Int.* - 2016. - Vol. 89. - P. 1363–1371.
3. Fraser S.D.S., Roderick P.J., Casey M., Taal M.W., Yuen H.M., Nutbeam D. Prevalence and associations of limited health literacy in chronic kidney disease: a systematic review. *Nephrology Dialysis Transplantation*, 2013, vol. 28, no. 1, pp. 129–137. DOI: 10.1093/ndt/gfs371.

4. Goodkin, D. A. et al. Association of comorbid conditions and mortality in hemodialysis patients in Europe, Japan, and the United States: the Dialysis Outcomes and Practice Patterns Study (DOPPS). *J. Am. Soc. Nephrol.* 14, 3270–3277 (2003).
5. Herrera-Añazco, P., Benites-Zapata, V., Hernandez, A. V., Mezones-Holguin, E. & Silveira-Chau, M. Mortality in patients with chronic kidney disease undergoing hemodialysis in a public hospital of Peru. *J. Bras. Nefrol.* 37, 192–197 (2015).
6. Himmelfarb, J., Vanholder, R., Mehrotra, R. & Tonelli, M. The current and future landscape of dialysis. *Nat. Rev. Nephrol.* 16, 573–585 (2020).
7. Jack K.C. Ng., Li P.K.-T. Chronic kidney disease epidemic: How do we deal with it? *Nephrology*, vol. 23, no. 4, pp. 116–120. 2018. <https://doi.org/10.1111/nep.13464>.
8. Jardine, T., Wong, E., Steenkamp, R., Caskey, F. J. & Davids, M. R. Survival of South African patients on renal replacement therapy. *Clin. Kidney J.* 13, 782–790 (2020).
9. KDIGO Clinical Practice Guideline for Glomerulonephritis // *Kidney International Supplements*. – 2012. - Vol. 2. - P. 259–274.
10. Khazaei, S. et al. Survival rate and predictors of mortality among hemodialysis patients in West of Iran, 1996–2015. *Int. J. Prev. Med.* 9, 113 (2018).
11. Kidney Disease: Improving Global Outcomes (KDIGO)& CKD-MBD Work Group. KDIGO clinical practice guidelines for the prevention, diagnosis, evaluation, and treatment of Chronic Kidney Disease-Mineral and Bone Disorder (CKD-MBD). *Kidney Disease: Improving Global Outcomes (KDIGO). Kidney Int. Suppl.* <https://doi.org/10.1038/ki.2009.188> (2009).
12. Levey, A. S. et al. Nomenclature for kidney function and disease: report of a Kidney Disease: Improving Global Outcomes (KDIGO) Consensus Conference. *Kidney Int.* 97, 1117–1129 (2020).
13. Liu, F. X., Rutherford, P., Smoyer-Tomic, K., Prichard, S. & Laplante, S. A global overview of renal registries: a systematic review. *BMC Nephrol.* 16, 31 (2015).
14. Mathur R., Dreyer G., Yaqoob M.M., Hull S.A. Ethnic differences in the progression of chronic kidney disease and risk of death in a UK diabetic population: an observational cohort study. *BMJ Open*, 2018, vol. 27, no. 8 (3), pp. e020145. DOI:10.1136/bmjopen-2017-020145.
15. Msaad, R. et al. Predictors of mortality in hemodialysis patients. *Pan Afr. Med. J.* 33, 61 (2019).
16. Nordio, M. et al. Survival in patients treated by long-term dialysis compared with the general population. *Am. J. Kidney Dis.* 59, 819–828 (2012).
17. Parving H.H., Brenner B.M., McMurray J.J.V, et al, for the ALTITUDE Investigators. Cardiorenal end points in a trial of aliskiren for type 2 diabetes // *N Engl J Med.* 2012. Vol.367. P. 2204–2213.
18. Pecoits-Filho, R. et al. Capturing and monitoring global differences in untreated and treated end-stage kidney disease, kidney replacement therapy modality, and outcomes. *Kidney Int. Suppl.* 10, e3–e9 (2020).
19. United States Renal Data System. 2020 USRDS Annual Data Report: Epidemiology of kidney disease in the United States. (National Institutes of Health, National Institute of Diabetes and Digestive and Kidney Diseases, Bethesda, MD, 2020); ANZDATA Registry. 43rd Report, Chapter 4: Haemodialysis. Australia and New Zealand Dialysis and Transplant Registry (ANZDATA, Adelaide, Australia, 2020.).
20. Stalpers, Lucas J.A.; Kaplan, Edward L. (May 4, 2018). "Edward L. Kaplan and the Kaplan-Meyer survival curve." *Bulletin of the BSHM: Journal of the British Society for the History of Mathematics.* 33 (2): 109–135. doi:10.1080/17498430.2018.1450055. S2CID 125941631.

БИОМЕДИЦИНА ВА АМАЛИЁТ ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ БИОМЕДИЦИНЫ И ПРАКТИКИ

JOURNAL OF BIOMEDICINE AND PRACTICE

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000